

Инсонларга моддий ва маънавий хузур-халоват ато этадиган дастурларни инсоният излаган ва уни топмагунча беҳаловат бўлган. Куръони Карим шахс ва жамиятга оид низомларни, дастурларни ўзида мужассам этгани билан ахамиятлидир.

Баъзилар доимо Исломга карши туриб, уни бетараф тарзда тадқиқ этмаслиги натижасида хакикатдан узокда қолишган. Пьер Лемит сингари бир канча мутаассиблар хатто уни йўқ қилишга ҳам уринишган. Бирок саодатни кидирган инсонлар учун энг буюк хакикат саналган Куръони Карим Аллох Таолонинг Ўзи томонидан мухофаза этилгани боис бунга муваффақ бўла олмаганлар.

Ислом мубашшири Мухаммад (алайхиссалом): «Акли йўқнинг дини йўқдир, акл диндан иборатдир. Аллох аклдан афзалроқ нарсани яратмади», деб мархамат қилганлар. Яна Мухаммад (алайхиссалом) ахлоқни кўкка кўтариб, «Ахлоқсизнинг дини йўқдир. Дин ахлоқдан иборатдир», деганлар. Яна бир сафар эса илмнинг ахамиятини уқтириб», «Илми Хитойда бўлса ҳам бориб ўрганинлар», «Бешиқдан кабрғача илм изланлар», «Олимнинг қалами шахиднинг қонидан кадрлироқдир». «Дин биродарига бир қалима илм ўргатиш, бир йил нафл намоз ўқишдан афзалроқдир», деганлар.

Нажм сурасининг 39-оятиси:

«Инсонга факат ўзи қилган ҳаракатигина (мансуб) бўлур», деб мархамат қилинади. Ҳаракат қилиш, тиришқоқлик Ислом дастурларидан бири экан, дангасалиқ қилиб умримизни зое қетқизишдан Аллох асрасин!

Лайл сурасининг 4,5,6,7-оятлари:

«Албатта, сизларнинг саъй-ҳаракатингиз турличадир! Бас, қимқи (закоат ва садақотларни) берса, ва (Аллохдан) кўркса ҳамда гўзал (нарсани) тасдиқ этса, бас, унга осонликни муяссар қилурмиз», деб мархамат қилинади.

Бу оятлар инсонни сабр ва шукр билан Куръон амрларини бажаришга чақиради, унга амал қилган инсонни эса Аллохнинг Ўзи қўллаб-қувватлаши айтиб ўтилади.

Мудассир сурасининг 4-оятиси:

«Либосларингизни покланг», деб мархамат қилинади. Албатта, Аллох тоза ва озодалиқни севади.

Зумар сурасининг 2-оятиси:

«(Эй, Мухаммад!) Албатта, Биз Сизга бу Китобни хақиқатан нозил қилдик, бас, Сиз Аллохга динни Унга (ширкдан) холис қилган холда ибодат қилинг!» деб мархамат қилинади.

Зумар сурасининг 32-оятиси:

«Ахир, Аллох шаънига (ширк ва фарзандни нисбат бериб) ёлгон сўзлаган ва ростгўйликни (вахийни) ўзига қелган пайтидаёқ инкор этган қимсадан кўра қим ҳам золироқдир ёки жаҳаннамда қофирлар учун жой йўқми?!»

Ахзоб сурасининг 24-ояти:

«Аллох (ахдига) содик кишиларни садокатлари сабабли мукофотлаш учун, мунофикларни эса, агар хохласа, азобга гирифтор этиш ёки тавбаларини кабул килиш учун (мазкур синовни ўтказди). Аллох мағфиратли ва рахмли Зотдир».

Ахзоб сурасининг 35-ояти:

«Албатта, муслим ва муслималар, мўмин ва мўминалар, итоатли эркаклар ва итоатли аёллар, ростгўй эркаклар ва ростгўй аёллар, сабрли эркаклар ва сабрли аёллар, тавозели (камтар) эркаклар ва тавозели аёллар, рўза тутувчи эркаклар ва рўза тутувчи аёллар, авратларини (харомдан) сакловчи эркаклар ва (авратларини харомдан) сакловчи аёллар, Аллохни кўп зикр этувчи эркаклар ва (Аллохни кўп) зикр этувчи аёллар – улар учун Аллох мағфират ва улуг мукофотни (яъни жаннатни) тайёрлаб кўйгандир».

Шамс сурасининг 9,10-оятлари:

«(Мазкурлар билан касамёд этаманки) хакикатан, уни (нафсни) поклаган киши нажот топура ва у (нафс)ни (гунохлар билан) кўмиб, хорлаган кимса эса (Аллохнинг раҳматидан) ноумид бўлур!» деб марҳамат килинади.

Кўриниб турганидек, инсоният учун гўзал асосларнинг барчаси Куръони Каримда ўз ифодасини топган бўлиб, инсон ўз фаровонлиги ва саодатини ўша гўзалликлар орқали топиши шубҳасиздир.

Фатх сурасининг 28-оятида:

«У ўз пайгамбари (Мухаммад)ни хидоят ва Хак дин (Ислом) билан, у (дин)ни барча дин(лар)га голиб килиши учун юборган зотдир. Аллохнинг ўзи (бунга) етарли гувоҳдир», деб марҳамат килинади. Ислом дини келажак асрларни саодат ва саломатга етказадиган дин, Куръони Карим бутун дунёга нур сочадиган Китобдир.